

## ШАРТНОМА № 9

“ 2 ” ноябр 2022 йил

Бағдод тумани

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома Бағдод тумани Тиббиёт бирлашмаси (келгуси матнларда “Харидор” деб юритилади) низомга асосан фаолият юритувчи номидан раҳбари Ж.Шерғозиев бир томондан, «VODIY GRAND» хусусий корхонаси (келгуси матнларда “Сотувчи” деб юритилади) номидан раҳбари Д.Қаюмова иккинчи томондан куйидаги мазмунда ушбу шартномани туздик:

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» узига тегишли мол-мулкни сотиш, «Харидор» эса туловни белгиланган тартибда амалга оширгандан сунг кабул килиш мажбуриятини оладилар.

### II. ШАРТНОМА НАРХИ

2.1.

Т/р	Товарларнинг номланиши	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Дизел-Генератор	шт	1	440100000	440 100 000
	<b>Ж а м и:</b>				<b>440 100 000</b>

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси: **440.100.000 (Тўрт юз кирк миллион бир юз минг) сўм**  
(ракамлар, ёзувлар билан)

### III. ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Харидор» товар учун олдиндан 30 фоиз, махсулот етказиб берилганидан сўнг 70 % микдориди пул утказиш йули билан туловни амалга оширади.

3.2. Товарлар «Сотувчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати узаро келишилган холда кушимча белгиланади.

### IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома конуний кучга киргандан сўнг товарни 20 кун муддат ичида «Харидор»га етказиб бериш шарт.

### V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаетган товарнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиклик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий хужжатлар ва «Харидор»нинг талабига мос келиши шарт.

### VI. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

6.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги конун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва қафолатлайди.

6.2. «Харидор» «Сотувчи»га мазкур шартнома доирасида куйидагиларни қафолатлайди ва куйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал килиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат килиб, «Сотувчи»нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча конун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

### VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада курсатилган талабларга риоя қилган холда уз вақтида «Харидор»га товарни етказиб бериш;  
- Махсулотлар бозор ва интернетдаги нархларга асосланган холда етказиб бериледи. Ўтказилган тафтиш натижасида назорат қилувчи органлар томонидан нархлар юқори деб топилса фарқ сумма сотувчи томонидан қопланади.

- Шартноманинг шартлари «Харидор» томонидан бузилганда берилган махсулотни қайтариб олиб куйиш ҳуқуқига эга;

- Тегишли даражада сифатли махсулот юборилганлиги тугрисида билдириш олгандан сунг, сифатли булмаган мол-мулкни 3 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли булмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.

- «Сотувчи» етказиб берган махсулотларини ҳисоб-варақларда тулик ва аниқ номини, махсулот навини, категориясини ва бошқа курсаткичларини курсатиш шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда ракамлаб, тулик реквизитларини расмийлаштириш шарт.

7.2. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

- «Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган холда туловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва конун хужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб уз вақтида махсулотни кабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли булмаган мол-мулк келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб 10 кун ичида «Сотувчи»ни огоҳлантириш.

- Тулик расмийлаштирилмаган ҳамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари курсатилмаган ҳисоб-варақлар буйича тулов амалга оширилмайди.

## VIII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Ушбу шартнома буйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

8.2. «Сотувчи» «Харидор»нинг олдиндан маблаги булган ҳолда товарни белгиланган муддатда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун шартномада курсатилган сумманинг 0.5 % микдорида «Харидор»га пеня тулайди, лекин пеня микдори шартнома кийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

8.3. Шартнома талабларида курсатилган сифатларидаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айбдор тараф 5 % микдорида жарима тулайди.

8.4. «Харидор» олинган товар учун туловни уз вақтида амалга оширмаса кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4 % микдорида «Сотувчи»га пеня тулайди, бунда пенянинг умумий микдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортиқ булмаслиги лозим.

8.5. Келгусида текширув органлари томонидан махсулот нархи қиммат деб топилган тақдирда уртадаги фарқ етказиб берувчи «Сотувчи» томонидан қопланади.

8.6. Шартнома Газначилик бўлими томонидан руйхатдан утгандан сунг қонуний қучга эга.

## IX. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

9.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боглик булмаган сабабларга қура ва енгиб булмас қуч мавжуд булган тақдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. Фавқулотда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа ҳар қандай ҳолатлар тегишлидир.

9.2. Тарафлар ушбу шартномада курсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари туғрисида албатта иккинчи тарафни 1,5 кун ичида огоҳлантириши шарт.

9.3. Агар бартараф қилиб булмайдиган қуч 1 ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.

## X. ШАРТНОМАНИ УЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10.1 Ушбу шартномани бажариш, узгартириш ва уни бекор қилишда пайдо буладиган низолар энг аввало тарафларнинг қелишуви билан ҳал қилинади. Узаро қелишилмаса иқтисодий суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибда ҳал қилинади.

10.2. Шартнома тарафларнинг узаро қелишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан қелтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

10.3. Ушбу шартнома «2».11.2022 йилдан 31.12.2022 йил гача тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланиб, газначилик бўлимида руйхатдан утқазилганидан сунг қонуний қучга қиради.

## X. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Х А Р И Д О Р»

«С О Т У В Ч И»

### Ижрочи:

«VODIY GRAND» х/к

Бағдод тумани Самарқанд қишлоғи

СТИР 305930912 МФО 01087

Банк номи Капитал банк АТ

Қўқон филиали

х/в: 20208000000955493001



Рахбар:

Д.Қаюмова

### Буюртмачи:

Тиббиёт бирлашмаси

Бағдод шаҳарчаси

Бирдамлик кўчаси 12 уй

ШХР 401722860302097073101054001

СТИР 200158873 ОКОНХ 91511

Бағдод тумани бўйича Газначилик

бўлими

Х/р: 23402000300100001010

Марказий банк Тошкент ББХКМ

МФО 00014 ФСТИР 201122919



Рахбар:

Ж.Шерғозиев

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

NT0568647142

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: "**Vodiy Grant**" **xususiy korxonasi o'rtasidagi 440.100.000 so'mlik generator shartnomasi.**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Bag'dod tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 02.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Bag'dod tumani  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**E.M.BOTIROV**

02.11.2022

**167803 лот юзасидан шаклланган дастлабки  
баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон  
баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш кун ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича келиб тушган эътирозлар харид комиссияси аъзолари томонидан ўрганилиб, эътирозлар асоссиз деб топилганлиги ҳақида қарор қабул қилинди.

Муҳокама тугаган сана:

02.11.2022 13:21

Комиссия раиси:

SHERG'OZIYEV JAMOLIDDIN ABDULAXATOVICH